

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

2001 ЙИЛ - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ПОЙИНГИЗГА ТЎШАЛСИН ГУЛЛАР...



Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йилларининг мантикий давоми сифатида Янги аср Ўзбекистонда «Оналар ва болалар йили» билан бошланганлиги таҳсинга моликдир. Муҳтарам юртбошимиз бу ҳақда гапира туриб, шундай дедалар: **“Кириб келаятган Янги йилнинг ҳар жиҳатдан хайрли, саховатли ва баракали бўлишини умид қилиб, унга мана шундай ном беришимизнинг амалий, керак бўлса, рамзий маъноси бор. Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган, барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб, ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади”**.

Хурматли йўлбошимиз бу борадаги ўз фикрини давом эттириб, таъкидлаганларидек: **«Соғлом авлод йили»да қилган барча эзгу ва савобли ишларимиз «Оналар ва болалар йили»да ҳам давом эттирилиши, уларнинг ижобий таъсири юртимизда яшаётган барча одамлар тақдирини, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши даркор. Бундан буён ҳам бошланган хайрли ишларнинг давомини кўриш, яъни жамиятимизни ва ҳаётимизни соғломлаштириш бўйича белгиланган режаларни рўйбга чиқариш, охирига етказиш зарур»**.
 Ҳеч қайси замонда инсоният тараққиётидаги улкан мақсадларга тарбияси эришиб бўлмаган ва бўлмайдими. Президентимиз ўз нутқида айтганларидек, фарзандларимизнинг онгли шаклландирилган мактаб ёшигача бўлган даврда

ота-болаларимиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгидан очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш асосий вазифа бўлмоғи керак. Бунга эса оналар иштирокисиз эришиш мумкин эмас.

Оналар ва болаларнинг ўзаро ғамхўрликлари, рози-ризоликлари ҳамда иттифоқлари муқаддас диний манбаларимизда кенг ўрин ажратилган. «Жаннат оналар оёғи остидадир», дейилган муқаддас ҳадисларда.

Шарқнинг машхур мутафаккири Абу Наср Форобий бундан бир минг бир ўз йилча муқаддам ўзи орзу қилган «Фозил одамлар шахри» асарини таълим ва тарбиянинг моҳиятига катта аҳамият берган. «Инсон ёшлигидан яхши тарбия кўрмаган ва турмушда етарли тажриба орттирмаган бўлса, у ҳаётда кўп нарса ютқазди. Ҳар кимки, илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, сихат-саломатлиги яхши, тарбияли, ахлоқ-одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат, макр ва хийладан йироқ, инсофли, дён-натли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва оқил бўлсин, илмдан мол-дунёсини оналасин», дейди до-нишманд, ҳамда мазкур хислатларни шакллантиришда оналарнинг беқийс хизматларини уқтириб ўтади.

Умуман, алломаларимиз масаланинг бу муҳим жиҳатига асосий эътиборни қаратганлар. Атоқли маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахруддин бундан бир аср илгари: «Эркалар ҳулқа тарбия хусусида оналардан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслар. Ҳатто, буюк мактабларда олий фикрли одамлар ҳузурда илм олувчилар ҳам оналардан ол-

ган тарбиялари билан яшарлар ва бу тарбияни сўнгги кунларига қадар сақларлар», деганида нақадар ҳақ эди. Шу сабабдан ҳам файласуфлардан бири: «Инсонлар ҳар вақт оналари истаганлари каби бўлажаклар, агарда улуг ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, оналарга буюклик ва фозилликни ўргатингиз. Демак, кишиларнинг бахт-саодатлари тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия эса, асосан, оналар қўлидадир. Шу сабабли ҳам, умуман, халқни тарбияли қилиш учун оналарни тарбияламоқ ҳамда шу тарбияни болаларига-да бера оладиган даражага етказмоқ лозимдир», дейди.

Энди ўз давридаги маърифатчиларга қулоқ тутайлик: Абдулла Авлоний домла дейдиларки: «...Тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзаландурмак, зехнимизни равшанландурмак лозим экан, тарбияни кимлар қилур, қайда қилинур, деган савол келадур. Бу саволга: биринчи - уй тарбияси, бу - она вазифасидир, иккинчи - мактаб тарбияси, бу - ота, муаллим ва ҳукумат вазифасидур, деб жавоб берсак бўлур». Шунингдек, «Боланинг саломатлиги ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмоқ, ёш вақтидан маслақини тузатмоқ, яхши ҳулқларни ўргатмоқ, ёмон ҳулқлардан сақлаб ўстирмоқдур», «Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур», «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур» сингари оқилона ўғитлар ҳам Авлоний жанобларига тегишлидур.

Яна бир алломаимиз Абдурауф Фитрат ҳазратлари «Халқнинг ҳаракат қилиши,

давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, ҳақонгир бўлиши, заиф бўлиб, хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкени тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе ва асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналарига боғлиқ» эканлигини ҳаққоний қайд эта туриб «...фарзандни жисмонан, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб, ҳаёт майдонига кучли, ақлли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур» лигини алоҳида таъкидлайди. Маърифатпарварларимиз ана шу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда тарбияни уч қисмдан, яъни жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбиядан иборат деб ҳисоблайдилар ҳамда уларни бир-биридан ажратиб бўлмастлигини, бу қисмлар ўзаро жуда боғлиқ ва яқин эканлигини ва бирига зарар етса, бошқаларидаям нуқсон пайдо бўлишини, бирига фойда етса, бошқаларимиз ундан баҳраманд эканлигини уқтирдилар.

“Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият бермоқдамиз, - дегандилар муҳтарам юртбошимиз. - Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу ўсиб келаятган ёш авлодимиздир. Аввал айтганимиздек, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам келажакнинг ҳам ана шу ёшлар қўлида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашиди кўраман. Албатта, халқ тақдирини, миллат истиқболни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуг, масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади. Демак, ҳозирги шиддатли давримиз талабларидан келиб чиққан ҳолда келажак буюк Ватанимиз учун чуқур фикрлайдиган, ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўзининг ва фарзандларининг манфаатларини ҳимоя қила билладиган оналар зарурдир”. Шунини унутмаслик керакки, фақат овоз, фозила оналардангина том маънодаги билимми, ватанпарвар ҳамда фидойи фарзандлар туғилажақдир. Бундай оналар ва болалар ҳар қандай давлатнинг-да келажакни белгилайди.

Ҳа, оналари ва болалари бахтли бўлган жамият ва халқ саодатлидир. Улар ҳаёт давомийлигининг, эл-юрт равнақининг, миллат тараққиётининг тимсоллари. Айниқса, Ватанимизда кейинги йилларда бу борада амалга оширилаятган ва режалаштирилаятган кенг қамровли тадбирлар бунинг исботидир.

Мен XXI аср ҳамда учинчи минг йилликни бошлаб берган ушбу табаррук санага бағишловимни шундай юн-ламоқчиман:

**Йилингиз кутлуг бўлсин,
оналар ва болалар,
Пойингизга тўшалсин,
гуллар ҳамда лолалар!**

Бердиёр ЖУМАЕВ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



Мухайё ТЕША-БОЕВА - Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги 27-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Мухайё ёшлигиданоқ расм чизарди. Кейинчалик отасидан кулlochиликнинг сирларини ўргана бошлади. Ноёб истеъдодга эга бўлган Мухайё рангтасвир, графика, декоратив бадий кулlochилик санъати бўйича ўзига хос услубда асарлар яратмоқда. "Тумарис", "Амир Темур" асарлари унинг шарқ минатюраларини чуқур билишини англатса. "Бободехон", "Соғлом авлод", "Пахтакор аёл" асарларида замон-

дошларимиз ҳаёти тасвирланган. У ўзи лойдан ясаган ажойиб миллий ҳайкалчалари, рангтасвир, ойнага муночоқдан ишланган юздан ортик асарлари билан танловда қатнашмоқда.



Зулхумор БОЛТАБОЕВА - Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида туғилган. Мангит шаҳридаги 40-ўрта мактабда ўқийди. "Амударё ҳақиқати" туман газетасида шеърлари ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб келади. Қуйида сиз

унинг ижодидан намуна ўқийсиз.

ҚОРАҚАЛПОҚСАН

Маманбий, Ойдўсбий, ботир Эрназар, Сени деб бир умр довлашди довинг. Инсоф, эрк тилади ҳар кеч, ҳар сахар, Ажиниёз, Бердах, Жиян жировинг.

Гулистон, Ибройим дардли шеърисан, Ўзбекининг ишонган марди, шерисан, Дўст-ла бахтиёрсан, хурсанд, иноқсан, Аму бўйидаги Қорақалпоқсан!

Шахноза ХОЛМАХМАТОВА - Шаҳрисабз шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 102-ихтисослаштирилган мактабнинг 4-синфида ўқийди. Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳар телевидениесининг "Болаликнинг рангин олами" кўрсатувида суҳбатдон-



лик ҳам қиларди. "Оқсарой офтоби" деб номланган илк китобчаси нашрдан чиққан. Қуйида унинг шеърларидан бирини ўқийсиз.

ШИРИНТОЙ

Йиғламагин, ширинтой, Ясаб берай кўғирчоқ, Сувга тушиб тўлин ой, Сенга бўлар овуноқ, Юлдузлардан тераман, Инга тизиб бераман. Бўйингга такай шундоқ, Сенга бўлсин кўзминчоқ.

ҲАР БИР БОЛА БИР ОИЛАНING УМИДИ

Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори чиққанидан кейин барча вилоят ва туманлардаги мутасадди ташкилотлар зиммасига амалий ишларни бажаришни кучайтириш вазифаси юклатилди.

Маълумки, ёшлар тарбиясидек нозик ва айни дамда анча мураккаб бўлган вазифани фақат тегишли идораларга топшириб қўйиш билангина иш битмайди. Ёки бу ишни орқага суриб бўлмайди ҳам. Сабаби, ўсмирларимиз кўз очиб юмғунча балоғатга етдилар. Улар балоғатнинг олтин остонасига ҳаётларида доғ туширмасдан етиб келишлари керак.

Биз Фарғонада бўлганимизда айнан мана шу вазифа бўйича тузилган комиссиянинг ишлари билан танишдик. **Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Қарорида ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий, тарбиявий ишларнинг сусайтириб юборилганлиги алоҳида таъкидланган. Ёшларимизнинг ёмон йўللарга кириб кетишининг олдини олиш, фойдали иш ёки ўқиш билан банд этиш учун энг аввало нималарга аҳамият бериш зарур?**

Иброҳимжон РАШИДОВ, Фарғона вилояти вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби:

«Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори асосида вилоятимиз ҳокимлигининг қарори билан 2000-2005 йилларга мўлжалланган Дастур қабул қилинди. Шаҳар ва туманлардаги 11 та масъул котиблар алмаштирилиб, бу ўринларга мумкин қадар ҳуқуқшунос кадрлар тайинланди. Энг муҳими, ишсиз юрган ёшларни аниқлаб уларни иш ўринлари билан таъминласак, ҳар қандай жиноятнинг олдини олган бўлаемиз. Бу эса "Қамолот", "Соғлом авлод учун", "Болалар", "Маҳалла" жамғармалари раҳбарияти зиммасига ҳам катта масъулият юклатди.

Ўтган йилда ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида Фарғона шаҳридаги 15-ўрта мактабда АҚШнинг "Тобако" компанияси билан ҳамкорликда "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" мавзусида тажриба-синов майдончаси шаклланди. Таълим-тарбия даргоҳларида, маҳал-

ларда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳуқуқий суҳбатлар ўтказилди.

Зиёдаҳон АЗИМОВА, Марғилон шаҳар миллий ҳунармандчилик лицейининг директори:

«Бизнинг лицейимизда 600 нафардан ортиқ йигит-қизлар билим олишади. Миллий ҳунармандчиликнинг энг гўзал, энг нафис турлари бўйича ҳунар ўрганишади. Шахсан мен раҳбар сифатида уларнинг ҳар бирини юриш-туришидан, лицейдаги, оиласидаги ҳаётдан мунтазам хабардор бўлиб тураман. Ваҳоланки, ҳақиқатан ҳам қарорда айтилганидек, бу масала бир-икки кишининг иши эмас. Ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар, мактаб, лицей, институт, турли билим даргоҳларининг раҳбарлари айниқса ҳушёр бўлишса, вояга етмаганлар ўртасидаги турли жиноятларнинг олди олинарди.

Яна бир нарсани таъкидлашни истардим, болаларни яхши ўқимаганлиги ёки ўқишга қобилияти йўқлиги сабабли "чет"га чиқариб қўйиш яхши эмас. Чунки мен мактабда анча қолоқ бўлган болаларнинг кейинчалик ноёб ҳунар эгалари бўлиб етишганлигининг гувоҳи бўлганман. Демак, мактабда ўқишга лаёқати бўлмаса марҳамат, ҳунар ўрганишсин. Ўзбек миллий ҳунарларини дунё миқёсига олиб чиқишсин.

Дилором МУХАМЕДОВА, Марғилон шаҳар ҳокимининг муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

«Асли касбим ҳуқуқшунос бўлгани боис илгари ҳам вояга етмаган ёшлар билан иш олиб борганман. Тарбияси қийин

дея рўйхатга қўйиш учун олиб келинган болаларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида гаплашганман. Энг аввало уларнинг оиласи билан танишиб чиққанман. Чунки, баъзи оиладаги носоғлом муҳит, ота-оналарнинг масъулиятсизлиги, болаларнинг шу аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлади. Энг ачинарлиси шундаки, бир марта адашган болаларнинг тўғри йўлга тушиб кетишлари анча қийин кечади. Нега? Улар ҳали балоғатга етмаганликлари учун ҳукумат қарорларига кўра авф этилгач, яна мактабда ўқиш-

ларини давом эттиришлари керак. Турган гапки баъзи мактабларда бундай ўқувчиларни ҳамма вақт ҳам яхши қабул қилмайдилар. Ўқувчилар бундайлардан ўзларини четга олишади. Ўқитувчиларнинг назоратсизлиги оқибатида улар яққаланиб қолишади. Оқибатда мактабдан совиб яна жиноят йўлига қадам қўйишади. Айнан мана шундай вазиятларда ҳушёр бўлишимиз, шундай ўсмирлар тарбияси учун эътиборни кучайтиришимиз керак деб ўйлайман.

Шарифа МИРЗАКАРИМОВА, Тошлоқ тумани марказий касалхонасининг туғруқхона бўлими мудираси:

«**Шарифа опа, ўша тарбияси оғир ўсмирларнинг ўқишга, бирон хунарга қизиқмай қўйишлари билан соғлиқлари ўртасида бир сабаб борми? Сиз бу ҳақда нима дея оласиз?**

«Касбим тақозоси билан юзлаб чақалоқлар кўлимда туғилишган. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам соппа-соғ туғилишган эди, деб айта олмаيمان. Менинг кузатишимча, ота-онасининг айби билан кўп болалар майиб-мажруҳ, бирор жисмоний камчиликлар билан дунёга келишади. Одатда бундай туғилган болаларнинг ҳаёти жуда оғир кечади. Чунки, уларни айрим тенгқурлари камчилигини юзига солиб мазаҳ қилишади. Шунга ўхшаш сабаблар билан бола мактабдан безиб қолади. Оқибатда эса турли жиноятчи гуруҳларга қўшилиб қолишади. Ёшларнинг ўйламай қўйган қадамлари уларнинг турли юқумли касалликлар билан оғришига сабабчи бўлади.

Афсус билан айтиш керакки, жиноят содир қилиб авф этилган ёки тарбияси оғир бўлганлиги учун рўйхатда турадиган болаларнинг ичида иқтидорлилари ҳам кўп. Уларнинг баъзилари ўзлари истаган ўқишга киришмоқчи бўлишади. Аммо айрим ҳолларда қаршиликларга дуч келишади. Иш ёки ўқишга киришнинг уйдасидан чиқа олмаган ўсмир нима қилсин? Яна жиноятга қўл уради-да.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қарор эса мана шундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Ўсмирларимиз бир оиланинг умиди, чирогои. Ота-оналарнинг орзу-армонию, насллар давомчиси. Шундай экан, қайси касбда ишлашимиздан қатъий назар уларнинг хатти-ҳаракатларидан, дилидаги ниятларидан ҳаммиша огоҳ бўлайлик.

Басира САЙИДАЛИЕВА

БОЛАЛАР ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУҲОФАЗАСИДА



Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўранишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида қайд этилишича: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради».

Қоммунизмнинг улғуворлиги шундаки, ота-онанинг асосий вазифаси бўлган фарзанд тарбиясини қонуний белгилаб берапти. Бундан келиб чиқадики, ота-онанинг фарзандлари олдидаги мажбурияти болаларни боқибдангина иборат бўлмай, балки уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашдир. Ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги ушбу мажбуриятларини қай даражада адо этишлари ёшларнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар содир этишлари олдини олади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида қайд этилишича, қонун болаларни давлат ва жамият муҳофазасида бўлишини таъмин этади. Болаларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш давлат ва жамият томонидан олиб борилаётган барча тадбирларга боғлиқдир. Конституцияимизнинг ушбу моддаси Халқаро Болалар Конвенцияси билан узвий боғлиқ.

Жумладан, Халқаро Болалар Конвенциясида «Илм олиш ҳуқуқига эгасан» (28-модда), «Дам олиш ва бўш вақтингни ўтказиш ҳуқуқига эгасан» (31-модда), «Оила гамхўрлигидан маҳрум бўлганда давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгасан» (20, 21 - моддалар) деб таъкидланиши фикримизнинг далилидир. 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб аталиши давлатимиз томонидан Конституцияимизнинг ушбу моддасида қайд этилган ҳуқуқий меъёрларни нечоғлик амалга оширилаётганидан далолатидир.

Х. Тўхтамурод

ШЕЪРИМ, ЎЗИНГ ЯХШИСАН!

Даста-даста хатлар. Манзили, муаллифи, ёзуви ўзгача. Лекин ҳаммаси дярли бир хил бошланади... "Қадрдоним "Оила ва жамият", сенинг ҳар бир сонингни зориқиб кутаман". Бу жумла мезондаги кўёшдай одамга илқикли бахш этади. Ахир мураккаб деб таътиганимиз бу кунда илоҳи борича ҳаёт ҳақиқатларига интилаётган оддийгина газетани дўст билгани шахсан менга ёқимли туюлади. Хатларга кўз югуртираман.

"Мен ўзим Тошкентда ашайман. Агар шеърим сизларга маъқул тушиб, чоп қилсаларингиз, исминингиз ёнига Сурхондарё, Бойбўри қишлоғи деб қўйинг", - дея илтимос қилади юртимизнинг олис бир гўшасидан мактуб йўллаган **Нуриддин МУРОДОВ**. Ўзбекистоннинг ҳар бир парчаси ҳар ўзбекка азиз. Ақратиб севмаймиз. Аммо тумонат одам интиладиган шундай шахри азимда яшаб, исминингиз ёнига туғилган қишлоғимни ёзиб қўй, дея ўтинган қалбда сўзсиз шоирлик бўлади. Гарчанд Нуриддиннинг машқлари бугун "Оила ва жамият"да чоп этилган бўлса-да, артага у шу самийи туйғулар билан газета саҳифаларига йўл топишига ишонгимиз келади.

...Мен ҳам иштаман Уйимизда тўйлар бўлса. Укаларим, сингалларим Фақат суюнса, қалса. Йилгаман аяқон, Арзимаган кўз ёшингизга. Майли, тўй бўламан, Сизни йилгатамаслик учун, Дадамнинг кўнгли учун!

Қашқадарёлик **Нилуфар Турсунованин** тахририятга йўллаган машқларининг асосий мавзуси - муҳаббат. Муҳаббат - Тангри инсонга бахш этган барча ҳиссиётларнинг шоҳи. Айнан шунинг учун бу мавзуда тақдим этилган машқлар талайгина. Қашқадарёлик **Фотима Зибёева, Хусанжон Амин**, Тошкент шаҳридан **Субҳон шоир, Кутбиниса Турдикул кизи**, андижонлик **Аҳмаджон Мамажон** машқлари ҳам севгининг изтироблари, қувончлари муаллифлар имкониятлари даражасида тасвирланади. Лекин ишқ деган қудратли ҳиссиёт ёлгонни кўтармайди, ёлгонни ёқтирмайди. Айниқса, шеърдаги ёлгон жуда аниқ билинади, ўқувчини ўзидан итареди. Шунинг учун биз бу қадимий гўзал мавзуда ёзиш иштиёқига бўлган барча шеърпарастларга ростакан сўйиб, куйгандагина ўқиладиган асар яралишини таъкидлагимиз келади.

Бир умр севгимга содиқ қоламан, Севги учун девона бўлган боламан. Такдир шу бўлса, қандоқ қиламан, Аламин борини шеърдан оламан, - деб ёзади андижонлик **Рустам Холматов**. Бу тарадга машқларни ўқиганимизда рост, самийи туйғуларини шеърга айлантириш учун адабий билим, маҳорат керак бўлиши ёдга келади. Шундай фикр тошкентлик **Сойима Йўлдошева**, қашқадарёлик **Хадича Мўминова**, Келес шаҳридан **Сирождин**

Абдушамаев, Тошкент туманидан **Салима Рўзиева**, олотилик **Ҳасан Каримов** каби мухлислардан келган машқларни кўздан кечирганимизда ҳам адабиётдан етарлича хабардор бўлмаслик, ифода услубларининг бир хиллиги шеъри-



ятни ниҳоятда ғариблаштириб юборишини ҳис этамиз.

Йўлингизга райхон, гул бўлиб, Ифор сочсам эди, онажон. Сочингизни майин ел бўлиб, Упиб ўтсам эди, онажон, - деб ёзади **Нусрат Раҳим** яна бир мангу мавзу - она ҳақида. Наманганлик **Тўхтагон Раҳимова**, Имомберди **Раҳимбердиев**, бухоролик **Шахло Раҳматов**, тошкентлик **Сулаймон Хайдар**, навоийлик **Нигора Акрамова**, Чимкент вилоятидан **Нодира Сулаймоновани** ҳам она олдигаги бурч, маъсулият, бу муқаррам зотни соғиниш, йўқотишлар, армонлари тўлқинланган, қўлига қалам тутказди. Она ҳақида шеър ёзмаган шоир йўқ. Лекин адабиётда Миртемир домланинг "Онагинам", Абдулла Ориповнинг "Онажон" каби бир-икитигагина гўзал асарлари сақланиб қолади, авлоддан авлодга ўтади.

Шундай экан, баъзан бу мавзудаги машқлар, бағишловлар ўз альбомларимизда, ён дафтарларимизда турса ҳам бўлади. Биз кейинги пайтларда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошмоқда, деган жумлани тез-тез тилга оламиз. Шеърят, санъат сиёсатдан четда туриши керак деб бот-бот такрорланади. Аммо инсон жамиятда яшар экан, ўз-ўзидан унинг гам-қувончларига аралашади. Агар у шеърга иштиёқман бўлса, ёзганларида, истаса-истамаса ўша муносабат қалқиб чиқаверади.

Берунийлик **Бекмурод Давлатов**, қашқадарёлик **Абдулҳаким Жонназаров**, Камолитдин **Ҳасанов**, Искандар **Ҳамроев**, Холида **Қодирова**, бухоролик **Нозима Солихова**, сирдарёлик **Мавлуджон Муҳаммад Сиддик**, Тошкент Давлат Аграр университетини толиби **Дониёр Мирзаев**, тошкентлик **Зебинисо Язданова** каби мухлисларнинг тахририятга йўллаган машқларида аксарият Ватан, яхшилик, адолат, иймон, ҳақиқат каби кишини инсонийлик даражасида ушлаб тур-

гучви қудратли туйғулар ҳақида ёзилган. Замондошларимизнинг шундай ҳиссиётлар ҳақида ўйлаётганининг ўзи қувонarli. Чунки, ўйлаётган одам таҳлил қилади, хулосалар чиқаради. "Нега аёлнинг жонини қирқта дейсизлар, қирқта бўлса, нега бу фоний дунёдан кўз юмса, яна қайтиб келмайди?" - дея ўртанади фарғоналик **Зиёда Тўракулова**. Тошкентлик **Отамурод Қиличев** Нурхонни ўзбек Чак Нориси, Артурни эса Тайсон даражасида кўриб гурурланади. Гарчи бундай машқлар шеърлик конфликтлар, ўзига хосликлар, бадий топилмалар камлигидан ҳали муштарийлар эътиборига ҳавола қилиниш даражасида бўлмаса-да, улар юрагини безовта қилаётган кечинмалар одамни ўзига тортади.

"Оила ва жамият" саҳифаларидан минбар сўраб, машқлар йўлаётган муштарийларнинг талай қисми - мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж, дорилфунун талабалари. Бу эса адабиётимизнинг эртаси бор, ўқувчи, ўқувчи, тушунувчиси бор, деган умид беради.

Энг азгу тилакларимизни қўшиб ёзган ушбу шарҳимиз газета саҳифаларига терилаётганида редакциямизга шеърлар битилган бир даста мактубларни келтиришди. Янги йил янги аср завқи, умиди уфуриб турган шеърларини юборишдаи ҳаваскорларимиз. Биз уларга ташаккур билдирган ҳолда юқоридаги рўйхатимиз қаторига уларнинг-да исму фамилияларини ҳам қўшдик. Навоий вилоятидан **Маъмура Нарзиева**, Бухородан **Улугбек Ёдгоров**, **М. Тожиева**, **Амина Амонова**, Қашқадарёдан **Дилфуза Муродова**, **Махфират Хидирова**, Сурхондарёдан **Мухтор Тошпўлатов**, Тошкент вилоятидан **Ақром Тожиев**, **Зулфия Салимова**, **Кабир Исроилова**, **Нафисахон Мاستонжонова**, **Нодира Холиқова**, Жиззахдан **Лола Ортиқова**, Тошкент шаҳридан **Барно Шерназарова**, Самарқанд вилоятидан эса **Абдурахмон Ҳасановга** ижодий баркамолликлар тилаймиз.

"Азиз Бош муҳаррир, мен Сизни кўрмаган бўлсам-да, энг яқин қилишимга ўхшайсиз. Илтимос, шеъримнинг хатоларини ўнглаб, газетангизда чоп этсангиз" - дея тугалланади мактубларнинг қўли. Ҳақиқатан, бу мактубларнинг ҳар биринида "Яхши!", "Кўпроқ машқ қилинг!", "Ўқиб, ўрганинг!" тарзидаги муносабат сўзлари бор. Ҳа, "Оила ва жамият"га юборилган шеърларни хатлар ҳисобчисидан бошлаб бош муҳарририга ҳамма ўқийди. Ва Сизнинг бу шиддатли, ўзгарувчан дунёда яшаётганингизни билади. Баҳор келишини интиқ кутганингиз, илк қуртак, илк гуллардан ёш боладай суюнганингизни ҳис этади. Мухаббатдан бедорлигингиз, хижрондан беморлигингиз, висолдан умидворлигингизни тушунади. Ҳа, тушуниш дунёдаги энг яхши туйғу. Барча юксалишлар ана шу туйғу пойдеворидан қурилади. Эзинг, мени ундок дебди, дея хижолат бўлманг. Шеърим, яна ўзинг яхшисан, денг, ўзингиз, қалбингизга ишонинг. Шунда ҳаммани ёзганингизга ишонтира оласиз.

КУТЛИБЕКА

Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит...



НОШУҚР БЎЛМАГИН, АСЛО

Ойша разияллоху анҳо айтадилар: "Муҳаммад салоллоху алайҳи васалламнинг хонадонидагилар бир кунда икки маҳал таом емагандилар, еган бўлсалар ҳам унинг бири хурмо бўлур эрди".

Ақсарият буюқ боболаримизнинг, жумладан, ушбу "Ҳадис"лар муаллифи ал-Бухорийнинг ҳам ниҳоятда камтарона озиклангани ҳақида ўқиганман. Биз-чи, бизнинг фарзандларимиз-чи? Осмондаги ойни олиб бер деса, олиб озгизга тутамиз. Кейин у ўрганиб қолиб, иккала қўлини осмонга қўзаверади. Кичкина кизча ё ўғилчамизга ҳар куни ишдан қайтишда ранг-баранг шоколад олиб келиб қўлига тутқазамиз. Бирон марта қуруқ келайлик-чи, у бизга қиё боқармикан?

Қўча-қўйда ҳам болаларга учраганки егуликларни олиб бериб, икки қўлини тўлдириб қўямиз. Ўша бола қиймларини шира қилиб, ушоқларини ерга тўкиб, ювилмаган қўли билан йўлдами, автобусдами нималарнидир ошагани-ошаган.

Жон кизим, ўз вақтида бундай беодобликнинг олдини олганимиз маълум. Уйда, дастурхон атрофида, озодаликка риоя қилиб, ҳамма билан баробар камтарона овқатланганга нима етсин. Бу аввало соғлиқ гарови. Агар болага қичкилигидан истаган нарчасини озгизга тутаверсак, кейин ўзимизга қийин бўларкан. Болалар каттароқ бўлишса, икки маҳал қозон осини, дастурхонда ранг-баранг шириликлар, қимматбахо егуликлар бўлишини талаб қилади. Ва мабодо талаблари бажо этилмаса нолишга, ношукрчилик қилишга тушилади. Ота-онадан норози бўлишади. Хуллас, улар кўпроқ ейишга, кўпроқ ўзим бўлай дейишга ўрганиб қолишади. Қорин ташвишини катта ташвиш деб билишади. Бай-бай, бундай ҳолатдан Яратганининг ўзи асрасин!

Болани кичкиналигидан нимага ўргатсанг - шунга қўниқаркан. Сабр-қаноатга, бориға шукр қилишга одатлантирсак, марра бизники. Ана ўшанда манманлигу баднафсликни, исрофгарчиликни, ҳатто нафс орқасидан айрим шикоятлар содир бўлишининг ёки турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олган бўлармидик. Базий бўйга етган ўғиллар қизларикимиз, ҳатто уйланган фарзандларимизнинг ҳам кун ора палов, қовурма дўлма тайёрлаб беришни талаб қилишларидан холи бўлармидик.

Кўпинча ҳаётдан нолиб, йўқчиликни, қимматчиликни рўқач қилаверамиз. Йўқ, она кизим, шукр қилишни, озроқ ейишга, кўпроқ ишлашга ўргатайлик ва ўргатайлик. Болаларимизни ҳали йўрғақдали пайтидаёқ мейёрга, нафсини тия билишга, сабр-қаноатга, шукр қилишга ўргатсак, ота-оналик бурчимизни озгина бўлса-да адо этган бўламиз.

Санъат МАҲМУДОВА

ДАСТУР ҲАМКОРЛИҚДА БАЖАРИЛАДИ

"Экосан" халқаро жамғармасида "Она ва бола саломатлиги экологик миқёсларда" мавзуда халқаро учрашув ўтказилди.

Йиғинда "Экосан" халқаро жамғармасининг "Оналар ва болалар йили"га бағишланган "Эко-

АХБОРОТ

логия, оналик ва болалик" дастури муҳокама қилинди ва тақлифлар киритилди. Дастур экологик муаммоларни ҳал этишга, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, унда жамғарманинг ўтган йилларда амалга оширган ишларини давом эттириш кўзда тутилган. Дастурда оналар ва болалар учун экологик, санитария-гигиеник шарт-шароитларни янада яхшилаш, мамлакатимиздаги ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш белгиланган. "ТУРКИСТОН-ПРЕСС"

ЁШ ОНАЛАРГА ҒАМҲЎРЛИК

"Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармаси "Оналар ва болалар йили"да ҳам аёллар ва фарзандларимиз соғлими йўлида янада кизгин фаолият юритишни кўзда тутмоқда. Яқинда АҚШнинг "ITERA" Халқаро Энергетик корпорациясининг Ўзбекистондаги вако-

латхонасида шу мавзуда тадбир ўтказилди. Тадбирда ваколатхона бошлиғи Ж.М. Норов сўзга чиқди ва "Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармасининг Тошкент вилояти бўлимига 500 минг сўмлик "Гемотоген" дорисини топширди.

Бизнинг вазифамиз имкони борича ёш оналарда учрайдиган камконлик касалли-

лик ижодкор болаларни диплом ва медаллар билан муқофотлаш маросими ўтказилди. Муқофотларни Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги факультетда ва мухтор элчиси жаноб Ярослав Гудва топширди.

Иккинчи босқичда 2001 йили Японияда бўлиб ўтадиган "Хайр XX аср, салом XXI аср" деб номланган болалар суратлари кўргазмаси учун тайёрланган суратлар намойиш этилди. Кўргазмага Бадий Академиянинг лицей интернатларида, мактабларида, ногирон болалар ижоди-

гани олдини олиш. Чунки бундай оналаримиздан ногирон, рахит, нимжон болалар туғилади. Ушбу гемотоген дориларни вилоятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидидаги ёш оналарга етказиб берамиз, - деди "Соғлом авлод учун" жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг бошлиғи Гулсанам Ваҳобова.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ХАЙР XX АСР, САЛОМ XXI АСР

ёти марказларида таълим олаётган болаларнинг суратлари қўйилган бўлиб, улар Японияда кўп йиллардан бери аянбага айланган очик сурат хатлар шаклида тайёрланган. Японлар шундай қўриқ-танловда иштирок этишга бутун дунё болаларини тақлиф қилишади. Ғолибларнинг хат суратлари 30 йил сақланиб, сўнг улар тақдирланар эканлар.

Ҳар иккала босқич тадбирида иштирок этаётган болаларга "Соғлом авлод учун" Халқаро хайри жамғармаси томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

Лола АҲМЕДОВА

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Кўшни хонадондан дилни ваайрон этувчи йиғи товшуни эшитиб, бирин-бирин кўшнлар йиғилишди. Ёшгина келинча икки йилдан бери оқ ювиб, оқ тараб парвона бўлган қайнонаси тепасида айтиб-айтиб йиғларди.

Кўшни аёлларнинг юпатишига жавобла:
- Мен йиғмай кимлар йиғласин, опоқжонлар, - деди ўпкасини босолмай. - Ман энди қандок чидайман. Онажонимдан айрилганим етмасмиди? Онамдек яхши кўраб эдим-ку, ҳали ёш эдилар, юрмасалар ҳам майли эди. Юрак бағрим ёниб кетяпти-ку, қандок қилай...

Кўшнимизнинг беш қизи бўлиб, бари ўқимишли эди. Оналари охириги йўлга кузатилган ўша кунни эсласам... Балким шундай бўлиши керакдир, деб ўйлайман. Ортиқча йиғи-сиги ҳам бўлгани йўқ.

Ё, тавба, онажони, жону-жаҳонни, меҳрибони, энг яқин азиз кишиси охириги йўлга кетяпти-ку? «Онажон», деган сўз йўқ, келин эса бехуш...

Балким мен ноҳаққирман, лекин ҳадисда йиғилмасин, деган жойи йўқ. Фақат дод солиб, ёқа йиртиб, соч юлиб, бошга тупроқ сочиб йиғлаш керак эмас дейилган-ку.

Расулulloҳ: «Улик, унга аза тутувчиларнинг дод солиб йиғилгани сабабли, қабрида азоблангайдир», - деганлар.

Шу кунни тасодифан қўшни Юсуф отанинг қизларига шундай деганига гувоҳ бўлдим.

- Қизларим, мана, опоқингизни ҳам чин уйига озириб

қўйдик. Лекин, мен ўтганимда, ким нима деса-деяверсин, «Вой отамлаб» йиғлаб қолинглар. Одамзод фарзанд кўрганда, аввало Аллоҳдан умрини-ризқини, инсофини сўрайди. Ўғил бўлса - наслимнинг давомчиси, тубуткашим деб суюнса, қиз бўлса - меҳрибоним, изимдан йиғлаб қоладиганим дейди...

Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди деганларидек, келин-пояшнинг ҳолатини кўриб онам раҳматлик эсимга тушиб кетдилар.

Онам вафотидан кейин 1-синфда ўқийдиган кенжа укамизга ёздирган хатларини топдик. Бу хат бошидан охиригача айтиб йиғлашлар бўлиб, буни ўқиган бўвдим:

- Қизим, менинг тепамда йиғлаши ўрнига мен болам, деб йиғлаб ўтирибман, бечора ўзи учун ёд олган экан-ку», - деб борлиқни титратиб йиғлаган эдилар.

Энг яқин жигаргўшанг, отанонанг вафот этади-ю, йиғламай бўладими?

Кўшним раҳматлик дилкаш, лобар, оқила, фозила, бир жаҳонга арзийдиган аёл эди. Ҳаммамиз у кишининг суҳбатига ташна эдик.

Йил ўтмай десам хато бўлар, икки-уч ойлар чамаси ўтган, қизлари ўғил уйлантиришди, қиз чикаришиб, бешик тўйлари қилишди...

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга ва охиратга ишонадиган аёлнинг уч қундан ортиқ ўлиқка аза тутмоғи мақруҳдир, эри ўлсагина тўрт ой-у ўн кун аза тутгай»

дир, - деган эканлар. Шунинг учун биз ҳам аза тутмаймиз, - дейишди кўшнимнинг қизлари.

Гоҳо хаялга чўмаман. Ахир, уларнинг узатган қизлари энди-гина 17 га чиққанди, қолиб кетмас эди. Балким, унаштириб қўйгандир дейсиз, йўқ, аксинча. Ё, шу кўшнигинамнинг ўлишини куттиганимдир? Тавба, тавба, ҳеч кимнинг бошига солмасин. Тушунишим қийин, ахир қандай қилиб кўнгилларига тўй сиғади-я? Кўшнимнинг кўзларига тупроқ тўлмай, тупроқлари совумай-а?

Ҳайит қуллари фотиҳага келганларнинг келиннинг ҳайит қилаётган уйига тақлиф қилишганини, келганларнинг хижолат бўлиб, ноқулай вазиятга тушганини айтмайсизми?

Шу воқеа сабаб, дунёнинг ишлари ҳақида, урф-одатларимиз тўғрисида ўйлаб қолдим. Аслида-чи, ўлдинг-ўчдинг дейишади. Ўлган одамга нима керак? Бир қалима қурьон керак. Аммо, кўшнимнинг қизларининг ишларини мен қила олардимиз? Йўқ, қила олма эдим.

Онам раҳматликнинг йўқлиги ҳар қандамда билинади. Турмуш қурганимда... фарзанд қурганимда... укаларим уйланганида... ўғил тўйи... бешик тўйи... ҳар соатда...

Сиз нима десангиз денг-у, мен ўзимни кўшнимнинг қизлари каби тутолмасдим.

Манзура САФАРОВА
Зангиота тумани,
Эшонгузар кўрғони



ХАЁТ ТАШВИШЛАРИ ВА ҚУРБОНЛАРИ



ЯХШИ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

Турмушга чиқиб келинчақларга ўхшаб меҳмондорчиликка бориш, ясан-тусан қилиб юриш нималигини билмадим. Шуниси ҳам шукр деб юриб, ҳали олдинда бутун бир бошли галвалар турганини билмаган эканман.

Биринчи фарзандим дунёга келиши арафасида уй ўзимизники эмаслигини билиб қолдим. Ижарачи ижара ҳақини сўраб келгандан сўнг эрим бор ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди. Хуллас, барча сарсонгарчиликлар шундан кейин бошланди.

Тугруқхонада ўн кун ётдим, изимдан биров сўраб келмади. Ха, биринчи фарзандим қиз бўлди. Эримни ҳеч кими йўқ, ўзи ишда деб ёнимдаги беморларни овқатидан овқатланиб юравердим. Аслида чиндан ҳам эримни сўроқлайдиган, ҳол-аҳвол сўрайдиган на ота-онаси, на қариндош уруғи бор эди. Уни ношуд, масъулиятсиз киши бўлганини энди билаяпман. Мендан кейин енгилланган аёллар шоду-хуррам чақоғи билан уйларига кетишди. Мен-чи, мен эса шифокорларнинг ўзлари руҳсат берсалар ҳам кетмай юравердим. Чунки боришга уйим йўқ эди. Ижарачи узоқ муддат ижара ҳақини тўламаганимиз учун уйни олиб қўйган эди. Ун саккиз кун деганда тугруқхонадан чиқдим. Эрим яна бировни уйини ижарага олди. Ўз ошиёнинг бўлмас еган-ичганининг, ётган-турганинда ҳаловат бўлмас экан. Эримни эса парвойи палак. Уй билан ҳам, боласи билан ҳам иши йўқ эди. Кимни уйда иши бўлса бориб қилар, топ-

ган пулига эса ичиб келар эди.

Нима қилишимни билмай бошим қотиб қолди. Ўйлай-ўйлай охири жамоа ҳўжалиги раиси Муродулла аканинг олдиларига ёрдам сўраб бордим. Ариза билан кирган эдим, ижтимоий аҳволимни ўрганиб чиқиб уй билан таъминлашди. Албатта даров эмас. Бу орада биз кўпайишиб қолдик. Икки қиз бир ўғиллик бўлдим. Катта қизим қўлимдаги ишларимни олган, ҳаммаси яхши эди. Бироқ Худо бир томондан берса, бир томондан қисади деганларидек, эрим ҳар кун ичиб келар, бўлар бўлмасга жанжал кўтариб дилхиралик қилар эди. Кун бўйи далада кетмон чопаман, яна кеч уйга келиб хузурланиб ётаман деганимда бир галвани бошлаб турарди. Кеч бўлаверса болаларим безиллаб туришадиган бўлишди.

Хуллас, у бизларни ташлаб кетди. Инсон зоти тирик бўлиб қимирлаб турса ризқини териб еркан. Тирришдим, тирмашдим. Аёл бўлсамда, эркаклардек эгратларга кетмон чопиб сув таредим. Болаларимга ҳалол нон едирдим. Аёл кишини тогани унумсиз бўлади дейишади. Бир йили кишининг қоқ чилла-ласта жамлаган озукамиз туғиб қолди. Яна жамоа ҳўжалигига мурожаат қилдим. Ердам қўлини қўзишди. Дунёда яхши инсонлар кўп экан. Жамоа ҳўжалигимиз раиси Муродулла аканинг саховатпешалигини дунёга дoston қилса арзийди. Мен у кишини худди отамдек кўраман. Чунки қиш-кировли кунда оч-наҳор ўтирган болаларимга қийим-кечак, озиқ-овқат бердилар.

Ўзим ҳам қараб турмадим. Урчук

йигирдим, гилам тўкиб сотдим. Эрим бир қидиб кетиши бўйича қайтиб келмади. Болаларини йўкламагани учунми, ё рўзғорни бор қийинчиликларини мени зиммамга юклаб кетгани учунми ундан юрагим совув бўлди. Уни кўргим, ҳатто йўқлагим ҳам келмайди.

Яқинда қизимни турмушга бердим. Албатта, жамоа ҳўжалигининг ёрдами билан ўраб-чирмаб узатдим. Отаси бўлмасга ҳам Муродулла акага ўхшаган инсонлар болаларини бошини силаб, қўлидан келган ёрдамини аямдади. Мен у кишини депутатим деб атайман. Депутатлар сайловида менга ўхшаб, ҳаётдан азият чекиб Муродулла академ ёрдам олганларни дуолари ижобат бўлиб у киши депутатликка сайландилар. Яна ҳам мартабала-ри бўлсан бўлсин.

Ҳозирги доруломон замонларда ҳаётдан нолишининг ўзи хато. Шунинг учун ўзбек халқида "Бошга тушгани кўз кўради", - деган нақл бор. Тақдиримдаги шу экан, деб тақдирга тан бериб ўтириш ҳаётга, яшашга бўлган интилишингизни синдиради. Тинимсиз меҳнат, сабртоқат эса албатта сизни ёруғликка етаклайди.

Сўзимнинг охирида Муродулла акага ўхшаган меҳрибон, гамхўр, саховатпеша одамлар кўпаяверсин, юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг тинч-тотув, аҳил бўлиб яшашларида, яхши инсонларнинг ҳиссаси қўшилаверсин демоқчиман.

Гулсара
Қашқадарё вилояти,
У. Юсупов тумани,
Жейнов қишлоғи

МЕНИ ҚИЙНАГАН МУАММО

Ёшим 38 да, 2 ўғил, 2 қизнинг онасиман. Катта ўғлим 19 ёшга тўлиш арафасида. Қизим 17 ёшда. Турмуш ўртоғим милиция соҳасида ишлайдилар. Ташқаридан қараганда тинч, бахтиёр оилага ўхшаймиш. Турмуш тарзимиз бировлардан кам эмас. Лекин менинг қалбимнинг бир ери доимо кемтикка ўхшайди. Сабоби, эримнинг ишлари туфайли. Оқ ювиб, оқ тараб дазмоланган формаларини кийдириб кузатиб қўяман. Гоҳида ишдан қайтганларида костюм-палтосидаги бегона сочлари, кўйлагининг енгиди помаддан қолган доғлар, кеч келинлари юрагимни сиқади. Охири бир кунни чидолмай: "Бу нимаси", - деб кўнглимдаги барини тўкиб солдим. Ҳатто ажрашгим келди. Уришиб қолиб гапирмай юрдим. Улар ёнига ўтқазиб: "Бизни ишимиз шунақа, ҳар хил аёлларни гоҳида бўлинмага олиб боришга тўғри келади. Шулардан теккан бўлса керак", - дедилар. Ишоншимни ҳам, ишонмаслигимни ҳам билмаман. "Мана, кунни кеча, - дедилар, - қонунбузар бир аёл кўлга тушганди. Бугун машинамга ўтириб ялинишга тушди. "Оғзингизга сиққаннинг сўранг ака", - деди. Мен унга: "Сиз ўйлаган эркак мен эмасман", - дедим. У бўлса: "Э акажон, мол-дунёга сотилмасангиз, йиғитсиз, мана, ўзим

хизматингизга тайёрман", - деб елкамга қўлини олиб борди. Аранг машинамдан тушириб: "Юринг, ичкарида гаплашамиз", - деб бошлиқнинг хонасига олиб кирдим. Агар сен ўша ҳолатни кўргангинда, қай аҳволга тушишингни тасаввур қилаяпман", - дедилар ва юпатдилар.

Мен жудаям рашқчи аёл бўлсам керак. Бир кўнглим: "Эрингга ишонгин, оғир ва машаққатли ишда сунячқик бўлгин", - деса, бир кўнглим: "Сени алдаяпти, сенга хиёнат қилаяпти", - дегандек бўлаверди. Ўзимга келсақ, келишган қоматлиман, чиройим ҳам етарли, богчада тарбиячи бўлиб ишлаган аёлман. Ҳозир уйдаман. Оилам, уй-жойим, болаларимнинг ўқиши деб ишимни ҳам ташладим. Аёл киши учун уйда ишлар доимо етарли бўлади. Қизимга ҳам совчлар эшик қоқиб туришибди. Ўғлим биринчи маошини келтириб менга берди. Жудам хурсанд бўлиб кетдим. Фарзандларим отасидан кўра кўпроқ мени яхши кўришади. Ҳадемай келин олиб, қиз узатиш ниятидамиз. Мен кўпни кўрган оналардан маслаҳат олмоқчиман. Сизлар нима деб ўйлайсизлар? Турмуш ўртоғим хиёнат қилаяптими-кан менга? Ёки ростдан касби билан боғлиқмикан, бу ишларнинг ҳаммаси...

Тошкент

ДИЛБАРОЙ

ДЎСТИМ, СЕНИ ЖУДА СОҒИНДИМ!

Халқимизнинг жуда топиб айтган нақли бор. Ёшлиқни умримизнинг ширин қаймоғига қиёс этишган. Дарҳақиқат, бу нақлни ҳам эшитганман, бироқ ҳозиргидек маъносига тушуниб етмаганман. Бўш қолдим дегунча ётоқхонанинг юқори қаватидан серкатнов кўчаларга кўз тиккан қўйи ўша, беғубор, соддадил болалигимизни эслайман. Ёзсақ бир роман бўлгудек саргузаштлар-у, ўтганни ўроғини, кетганни кетмонини олган «шўхлик»ларимиз барча-барчаси кечагидек кўз олдимдан ўтаверади. Дўстим сенинг доим биз учун қийин бўлган математика, химия фанларидан "5" баҳо олишинг хайратимизни оширар эди. Ўқувчилик шундай давр эканки унда ҳамма нарсга улгурар экансан: дарсдан қочиб, севги хати ёзиш... Қишини ҳам тугатди. "Орзусиз келажак - чақалоқсиз беланчак", деганидек минг хил орзулар қучоғида олийгоҳга ҳужжат топширдик. Сен химия факультетига, мен эса инглиз тилига. Минг афсус бўлса-да ўша йил армон номли отни иккаламиз ҳам етаклаб Аллоҳимдан сўнги йилга омад сўраганча ҳужжатларни олиб ортага қайтдик.

Мен эса... 1998 йил менга Тошкентдек азим шаҳарга ўқишга кириш насиб этди. Қайсидир маънода бу мени хурсанд қила олмади. Чунки талабалик гаштини сен билан ўтқазини орзу қилишимни билганингда эди... Ўша вақтда отанг қаттиқ бетеб бўлгани сабаб сен мен билан ҳужжат топшира олмадинг. Мана вақтнинг оқар сув эканлиги... 3-курсда ҳам ўқияпман.

Ҳар доим қишлоққа борганимда ота-онам билан кўришгандан сўнг сен томон шошиламан. Кунни-кеча қишлоқдан акам келди. Акам суҳбатининг охирида чўқур нафас олди-да, сенинг отанг оламдан ўтганини айтиди. Минг хил хаёл фирдобдида "Жойи жаннатда бўлсин", - деб юзимга фотиҳа тортидим. Ўлим ҳақ, бироқ бевақт келгани ёмонданда-ёмони. Дўстим! Дўстимсан, шунинг учун ҳозир ҳолатингни, руҳиятингдаги безовталикни яхши тушунаганим. Шу сабаб Аллоҳдан сенга сабр-тоқат тилаяман. Начора! Дўстим, ўлим ҳақ! Агар ёнимда бўлсанг ҳасратингга шерик бўлардим. Бироқ, олисдаман. Энди бир нарсани, узоқ бўлсинг тумори бўлмиш онажонингни умри узоқ бўлсин. Дўстим, сен эса онангга ҳаммаша тиргак бўлгин.

Эркин МАЖИДОВ



Хурматли синглим Зилола!

Қуёшнинг меҳрининг қалбимга дармон,
Бу ўзгача умрнинг нуфусига таълим...

Гулнора опанг, Севара, Нодира,
укаларинг Баходир, Умид

Хурматли акаларим
Баходир САТТОРОВ
ва
Эргаш ЭРЖИГОВ!

Сизларни 12 тибб, турмушдан
қурганим билан ёни қалбимдан
таъбирқилаймиз. Сизларга бахт
ва омад тилаймиз.

Укангиз Илхом
Шодиев
Багарное

Хурматли
Зарифа АЛИМҚУЛОВА!

Сизни 16 тибб - 22 йилнинг билан
таъбирқилаймиз. Педагогик фаолиятингизда
омадлар тилаймиз.

Дугоналарингиз номидан
Мухлиса

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигига
қарашли Тошкентдаги 8-бизнес
мактаби томонидан Алиев Рауф
Соибжонович номига 1.07.2000
йилда берилган КХТ W 112 493 ра-
қамли диплом йўқолганлиги са-
бабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

“ХОЛИС-УМИД” ФИРМАСИ
3 ойлик курсларга қабул қилади:

- 1. Замонавий урфда костюм-пальто, плац бичиш-тикиш.
2. Кандолатчилик, торт ва салатлар - 2 ой.
3. Аёллар сартароши (амалиёти билан), Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
4. Ҳамширалик (амалиёт билан).
5. Массажистлар, косметология (амалиёт билан), эркаклар костюм шими, аёллар костюм-пальтоси бичиш-тикиш - 2 ой.
6. «Элита» усулида парда ва покрывал тикиш.

Битирганларга диплом берилади.
Тел:
1-манзил: «Халқлар Дўстлиги» метроси. 90-мактаб. 47-09-52
4-қават, 4-хона. 45-98-96
2-манзил: «Буёқ ипак йўли» метроси. Зеленский 162-98-81
кўчаси, 12-уй.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади

- 2 ойлик:
1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухороча.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар ва эркаклар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.
3 ойлик:
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

ХИЗМАТЛАР:
1. Компьютер принтерларини таъмирлаш; 2. Программалар ўрнатиш, тузиш, замонавийлаштириш.
Манзил: Абай кўчаси, 4 «А»-уй, 1-қават, 114-хона.
Мўлжал «Алишер Навоий» метро бекати.

ТАШАҚУРИМ СИЗГА, ШИФОКОРИМ

Бундан 3 ой бурун мени автохалокат натижасида оғир шикастланган ҳолатда Чиноз тумани шифохонасининг жарроҳлик бўлимига олиб келишди.
Миннатдорчилик
Аллоҳга беадаб шукрлар бўлсинки, у ердаги меҳрибон, қўллари енгил шифокорлар ёрдамида буғун соғпа-соғман.
Алоҳида миннатдорчилигимни шифокор-жарроҳ Мирҳайдар ака Содиқовга билдирмоқчиман. Мени ота-онам бағрига қайтарган Мирҳайдар ака олдида бошимни эгиб таъзим қиламан.
Мен учун азиз ва меҳрибон бўлиб қолган Мирҳайдар ака, сизнинг моҳир кўлларингиз туйғайли соғайиб кетиб яна оёқлари ерга тегиб, лочиндек учиб юрганликларим учун шукрона айтишлик ҳамма беморларингизга насиб қилсин.
Файрат АЗИЗОВ
Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор кўрғони

ЭЪЛОНЛАР

Байрам ва тўйларга келин-куёв шакллари билан (этажеркаларда) тортлар пишираман, ўргатаман.
Тел: 116-01-01

88-мактаб томонидан 1975 йилда туғилган Коропцова Наталья Владимировна номига берилган 581537 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОИЛА - 1

Ёши 31 да бўлган, ажрашган, олий маълумотли аёл хотини вафот қилган (1-2 фарзанди бўлса ҳам майли), уйли-жойли, ичмайдиган, чекмайдиган киши билан турмуш қуриш истагида танишмоқчи.

ОИЛА - 2

Ёши 31 да бўлган, ажрашган, уйли-жойли, ўрта-махсус маълумотли, ичмайдиган, чекмайдиган (тижорат билан шуғулланади) йигит ўзига муносиб ёр излайди.

СУВГА ТУШГАН ИСИРГА

Иккинчи фарзандимга ҳомиладор пайтимда турмуш ўртоғим билан аразлашиб қолдик. Эрим аччиқлиниб ота-онасиникига кетди. Ҳаётимда бўлак бўлиб чиққан кезларимиз эди. Мен ёш болам билан уйда қолдим. Кечаси билан беҳаловат бўлиб чиқдим. Уй-рўзгор юмушларига унча қайишишни истамаётган эримдан хафта бўлиб, анчагача ухололмадим. Бир маҳал кўзим илиниб, туш кўрибман.

Ишга кетди. Мени: "Адаси, бу оғир юкни мен қандай кўтараман, ахир бўйимда бўлса", - деган гапимга ҳам қулоқ солмади.
Шу кунги бир амаллаб гуручни кўтариб, ичкарига олиб кирдим. Рўзгор юмушлари билан овора бўлиб қандай кеч бўлганини билмай қолибман. Кечга томон негадир кўнглим айниб, галати бўла бошладим. Ҳаётимда эримдан хафта бўлиб, анчагача ухололмадим. Бир маҳал кўзим илиниб, туш кўрибман.

Қизлик уйимда юрганмишман. Ҳамма дугоналарим билан кий-чув қилиб ўйнаб юрибмиз экан. Уйимиз олтидан катта ариқ оқиб ўтарди. Бир маҳал шу ариқ ёнида пайдо бўлиб қолибмиз. Ҳазил-хузул билан бир-биримизга сув сепиб, ўйнаётиб беихтиёр тилла зирагим сувга тушиб кетибди. Бундан кўрган дугоналарим кичқириб юборишибди. Мен ўзимни сувга отибман. Аммо, ҳар қанча изласан-да, зиракни тополмадик...
Чўчиб уйғониб кетдим. Кўнглим ҳақ эди. Тонг отди. Бир пайт кўча дарвозасини тарақлатиб очиб эрим уйдан олиб келган ярим қолдан зиёд гуручни ағдарди-ю, мотоциклга ўтирганча орқасига ҳам қарамай

чакирттирдим.
Шу кунги етти ойлик ҳомилам тушди. Қизча экан. Кўп қон йўқотганим учун ун-тўрт кун касалхонада қолиб кетдим. Шунда беихтиёр кўрган тушимни эсладим: сувга тушган исирга - қизимни ёруғ олам юзини кўрмай йўқотишим экан.
Баъзи-баъзида қизим тенгиларга кўзим тушса, юрагим аламга тўлади. Эрим меҳрибонроқ инсон бўлганда, мен ўзимни аяганимда эҳтимом қизим тирик қолардим, деб армон қиламан...
ФЕРУЗА

АСАБНИ АСРАНГ - СОҒЛОМ БЎЛАСИЗ

Касалликни келиб чиқишида руҳий ҳолатнинг (кўркув, ваҳима, ғазаб, тушунлик ва ҳоказолар) роли жуда каттадир.
Абу Али ибн Сино
Илм-фан, техниканинг тез ривожланаётгани, деярли барча соҳалардаги илмий кашфиётлар жамиятимиз, ҳолаверса, бутун кўраи замин учун қўлаб фойда келтиради. Лекин бу ҳайратомуз кашфиётлару ҳожатбарор техника воситаларини ўзлаштириш учун инсон миёси беҳисоб куч-қувват сарфлаши натижасида асаб зўриқиши юзага келади.
Вужудимиздаги қайси бир аъзо зўриқиби ишласа, худди ана шу аъзо дардга тезроқ чалинади. Асаб тизими ҳам бундан холи эмас. Асабий зўриққан ҳолатда арзиманган бир салбий таассурот ҳам бош мия фаолиятини издан чиқариши мумкин. Натижада невроз хасталигини орттириб олиш ҳеч гап эмас.
Узоғимизни яқин қиладиган транспорт турларининг беҳисоблиги, хизматимизга шай турган алоқа воситалари, фаолиятимизнинг асосан эртадан кечгача бир столу стулда ўтиришдан иборат эканлиги бизга қулай бўлгани билан танамизга кўп ҳам фойда келтирмайди. Ҳатто ишдан, хиз-

матдан кейин ҳам идоранинг қаттиқ ўриндиклари уйимиздаги шинам, юмшоқ кресло билан алмашиши, соатлаб ойнаи жаҳон сўхбатидан баҳарманглигимиз, мушакларнинг кам ҳаракатлиги натижасида юзага келадиган гипокнезия, яъни мушаклар "очлиги" хасталигига энг қулай шароитни юзага келтиради.
Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бахил, жинзак кишилар бошқаларга қараганда кўпроқ ва тезроқ юрак ва асаб касалликларига чалинади.
Саломатлик
ким бошидан дарҳақиқат, фаолиятим давоминда бошига тушган оғир мусибат, ҳаёт зарбаларидан ташқари айнан кимнидир кўролмай, ҳасадгўйлик, бахиллик оқибатида эси оғиб, тузалмайдиган руҳий хасталикка чалинган кишиларни ҳам кўрганман.
Гавдамиздаги барча аъзолар ишини асаб тизимининг маркази бўлиши бош мия бошқариб туради. Мисол учун, юрак бир кеча-кундузда 100 минг марта қисқариб, 9 минг лйтр қонни ўта аниқликда ишлайдиган митти насос сингафри ўзидан ўтказиб, танага ҳайдади. Юрагимизнинг бундай беминнат захмат чекишининг сир-асрори ҳам унинг бош мия орқали бошқарилишида. Бош мия ўз фаолиятини

бўлаётган воқеаларни сеза бошлайди. Ана шу даврдан бошлаб, ҳар қандай руҳий ҳолат, қалтис ҳаракат дунёга келажак инсоннинг саломатлиги, руҳий дунёсига, шакллана бошлаган асаб тизими, мия фаолиятига бевосита таъсир этади. Шунинг учун онанинг бу даврда иложи бори-чирин бўлгани сари тананинг касалликка қаршилиги кучи камай боради. Асабий-лашганда, ҳис-ҳаяжонга берилганда юракнинг гулпиллаб кучи камай боради. Асабий-лашганда, ҳис-ҳаяжонга берилганда юракнинг гулпиллаб кучи камай боради.
Тўғри, тирик эканмиз, дардсиз кесадек бўлолмаймиз. Агар кузатсангиз, ҳар нарсага куйинчак, дарров "тутаб" кетадиган одамлар тенгқурларига нисбатан тезроқ қарийдилар. Ҳаётдан совуб, умуман, бефарқ бўлиб қоладилар.
Курьони Каримнинг ҳамда тиббиёт илмининг ўқтиришича, она қорнидаги ҳомила 40-45 кунлик чоғидаёқ одам қиёфасига кириб, ташқарида

Қайда ўзи ўша бахт?

ОРЗУИМДАГИ ОФИЦЕР ЙИГИТ БЎЛСА...

Менинг ҳам ҳар бир инсонда бўлгани каби орзу-армонларим бор.
Яқинда 20 ёшга тўламан, лекин хали ҳануз мен ўзимга муносиб йигитни учрата олмадим. Мактабни тугатиб техникумга ўқишга кирдим, у ерда икки ярим йил таҳсил олдим. Ўқишга кирганимдан жуда хурсанд эдим ва шунда ўзимга-ўзим сўз берганим: "Мақтабда қандай ўқиган бўлсам, бу ерда ҳам шундай аъло баҳоларда ўқийман", бирор йигит билан гаплашиб юрмайман",- деб.
Хуллас, сўзимнинг устидан чиқдим. Аъло баҳоларда ўқидим, қандай маданиятли ва ўқимишли оламдан чиққан эканлигимни устозларим ва курсдошларим орасида намоён қила олдим ва уларнинг хурматига ҳам сазовор бўлдим. Ҳозирда ишлаганман. Лекин ёшлигимдан мен "офицер йигитга турмушга чиқаман" деб орзу қилардим. Минг афсуски, менга совчи юбораётган йигитларнинг бирортаси офицер бўлиш у ёқда турсин, армияга ҳам борманган. Тўғри улар техникумларда бўлса ҳам ўқишган эмиш. Лекин менга юрагида ўти бор, мард, Ватанни севадиган, халққа хизмат қиладиган, хуллас ҳарбий йигитлар жуда ёқадим. Она-Ватан деб Сурхондарёдаги жангларда ҳалок бўлган Садинов, Салимов, Ражабов, Фаниев, Барноев каби йигитларимизнинг илоҳим жойлари жаннатда бўлсин.
Лекин ҳаёл бошқа, ҳақиқат бошқа экан, ҳали ҳануз орзуимдаги офицер йигитни кутиб ашашман. Менинг меҳр-муҳаббатимга сазовор бўла оладиган офицер йигит бормикан?..
Қашқадарёлик ХУРШИДА

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

Мана, неча йилки оилам нотинч, ё ажрашиб кетишни билмайман ёки тақдирга тан беришимни. Турмуш курганимизга 20 йил бўлди, ёшим 38 да, 3 фарзандим бор. Бир-биримизни қўриб, гаплашиб турмуш курганимиз. Оила, севгини, садоқатни, покликни энг биринчи даражага қўяман. Бировнинг эри хотини устига хотин олди десалар нафратлардим, ўша одамдан жирканардим.

ишламадим. Ота-онасига бордим, биз унда алоҳида яшардик.

Қариндошларимнинг ўзлари Тошкентга врачлар билан гаплашиб эримни ётқизишди, институт директорининг ўзи операция қилди.

У касал бўлган йиллар қанчалар озиб-тўзиб кетдим. Тунлар Худодан нола қилиб, болаларим бахтига яхши бўлиб кетишини сўрадим. Энди ўша пайтдаги

Эрта кетиб, кеч келади. Нима деса, «Клиентлар билан эдим», - дейди. Бир куни бегона аёлга бориб юрганини эшитдим. Мен унга: «Ё биз билан, ё у билан яшайсан», - дедим. Ҳаммадан даҳшатлиси ўшанда бўлди. «Сени поччанг яхши кўради, шунинг учун мени дўхтирга ўзи оборди», - деса бўлади... Ҳаммасидан ёмон, ўзининг пушти камаридан бўлган ўглини: «Меники эмас, чулки мендан қон

чи. Эримнинг топганида барака йўқ. Хозир фақат ҳаёлида ўша аёл. Мақсадли хотин олиш экан, олавермайсанми индамасдан, тухмат қилишинг керакми? У хотин хозир ҳомилдор. Мен у билан гаплашмоқчи бўлдим, йўқ жиркандим. Эрим шу машинани олибдики, бирор марта фарзандларини ўйнатганини кўрмадим. Ҳаттоки ўтган йили мактаб бошланиб турибди, болаларимда на дафтар бор, на сумка. Мен пул сўрасам, бермади. Лекин кейин эшитсам, у аёлининг туғилган кунини нишонлаган экан. Мана шу 3 та фарзандим ноласи дадалари


ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТСАМ ТЎҒРИ БЎЛАРКИН...

Хозир ўзим ўша ҳолатни бошимдан кечираяман. Хиёнатчи эрим билан яшаётганлигим учун ўзимдан ўзим жирканаялман.

Алам қиладиган томони тўғри юриб, тўғри туриб тухматга қолдим. Эрим ниҳоятда тажана одам, фақат ўзиникини маъқуллайди.

Ўзи мактабни араб битирган, ўта рашкчи. Соясидан ҳам хавфсирайди. Ҳатто мени бошида ишлатмасликка ҳаракат қилди, лекин етишмовчилик бўлганидан кейин ишлатишга мажбур бўлди. Ҳатто ўз уйимга ҳам бемалол бориб келолмасдим, соатини айтиб турарди. Хозир ҳам шундай. Онам: «Турмуш шундай бўлади, паст-баландига чидаб яша», - дедилар. Оилада 9 фарзанд эдик. Ота-онам барчамизни бирор касб эгаси бўлишимиз учун шароит яратиб беришди. Худо раҳмат қилгур отажоним қанчалар бизни авайлар эдилар. Ака-ука, опа-сингилларим ҳаммалари уйли-жойли, ўзларидан тинчишган, ҳаммаларига бахт тилайман. Онам, акам, укаларим мен билан баробар азоб чекишди, айниқса онажоним. Қиз болани албатта таг-тугини суриштириб олиб, кейин бериш керак экан. Буларнинг барини ёсам бул дoston бўлади. Балки шуларни ёзиш шартмиди дерсиз. Лекин мени қийнаётган нарсаси, хизмат қилиб тухматга қолганим, қолаверса қариндошларим ҳам тухматга қолишди. Улар олдида юзим шувут. Мен эримни ичи қоралигини била турардим, улардан яширдим. Бахтли яшаб кетамиз, болалар бор, у ҳам инсон, барибир бир кун ўзига келиб қолади, деб ўйладим.

1993 йилдан эрим оғир касал бўлиб уйда бир неча йил ўтирди, нафақада. Ушанда қанчалар оғир кунларни бошимиздан кечирдик. Ўзим туртинчи ўғлим билан декрет таътилидаман. Эрим ойлаб касалхонада ётди. Қўлимда бола билан унга чопаман, ҳар бир нарсасига пул керак, етишмовчилик. 1994 йил операция қилишадиган бўлишди. Ўша пайт



Дил наҳори

елиб-югурганимга афсусланаман. Айниқса, бечора опамнинг эри-поччам биз учун жуда кўп чопди. Хабар олган ҳам ўшалар, машинада олиб боради, олиб келади. Эрим автобусда юрولмас эди. Қўлимдаги ўғлим нимжон бўлишига қарамасдан, шу эрим туфайли богчага бериб ишга чиқдим.

Ойлар, йиллар ўтди, мана эрим ўзига келиб қолди. Отаси билан биргаликда машина олиб, таксичиллик қила бошлади. Қўлига пул тушиб ўзгариб қолди. Уй билан, болалари билан иши йўқ.

қуймади, ўзингдан қон қуйишди», - деди. Ўғлимнинг арвохи чирқиллаб қолгандир. Мен унга: «Сен ҳақиқий эркак экансан, нега ўшанда текширтмадинг. Хиёнат кўчасига кирганиндан кейин менга шу тухматларни уюштирдимми. Худонинг олдида ҳам, бандасининг олдида ҳам ҳақман, ундай ҳаром ишлардан ҳазар қиламан», - дедим. Онам, акам: «Эримни ичи қоралигини билар экансан, ташвишу гамига нега бизни аралаштирасан», - дейишди. Ҳаммасини айтдим. Бечора поччам тухматга қолди. Хиёнатчи эрим менга шарт қўялтири. «Туғилганларингдан воз кечасан», - деб. Бир неча йилдирки, эрим қариндошларимнинг на тўйига, на азасига боради. Фақат ўзим бораман.

Опамнинг, поччамнинг юзига қаролмайман, улардан бу диньатсиз одам учун ўзим кечирим сўрадим. Лекин энди барибир кўнғил қолди. Ҳаммаси уни ёмон қўришади. Мен: «Ажрашаман», - дедим, акам, онам: «Болаларининг етим қилма, уни Худога сол», - дейишди.

«Кўр кўрни қоронғида топади», - деганларидай, хозирги топгани йиллаб бировнинг оиласини бузиб юрган аёл. Ёши 45-46 да, эримнинг ёши 40 да. У аёл ўқитув-

чи. Эримнинг топганида барака йўқ. Хозир фақат ҳаёлида ўша аёл. Мақсадли хотин олиш экан, олавермайсанми индамасдан, тухмат қилишинг керакми? У хотин хозир ҳомилдор. Мен у билан гаплашмоқчи бўлдим, йўқ жиркандим. Эрим шу машинани олибдики, бирор марта фарзандларини ўйнатганини кўрмадим. Ҳаттоки ўтган йили мактаб бошланиб турибди, болаларимда на дафтар бор, на сумка. Мен пул сўрасам, бермади. Лекин кейин эшитсам, у аёлининг туғилган кунини нишонлаган экан. Мана шу 3 та фарзандим ноласи дадалари хасталиқдан соғайтирган эди. Дадаси шифохонадалигида болаларим эрталабки чойни ичиб бўлишиб: «Эй Худо, дадам тузалиб кетсин», - деб фотиҳа ўқишарди. Эҳ, эссиз ўтган умрим, - дея афсуслар қиламан. Лекин йиллаб эримнинг феълига қараб иш тутдим. Ишдан келадими, уйда бўладими, хизматини жойига қўйиб бажардим, елиб-югурдим, фарзандларимни ҳам ўзим тарбияладим. Эрим эса бирон бор боласини кўтарай демасди, менга ёрдам кўрсатмади. У оиласига, болаларига эҳтиёж сезмайди. Ўзини маишатини ўйлайди. Отаси ёнидан участка олганми, 5 йил бўлди, ўзгартириш турибди. Атрофимиздагилар улар солишди, тўйлар қилишди. Биз эса ҳақмон ёлғиз ўғлимизга тўй бермадик.

Йўлдан чиққан эркакка барибир экан, сенга нима керак, нима дардинг бор, болаларга нима керак, бирор марта оғиз очмади. Фақат пулни яширади, қилаётган ишини яширади.

Худодан икки қизимнинг бахтини сўрайман. Ёлғиз ўғлимнинг ҳақиқий инсон бўлишини сўрайман.

Хурматли тахририят, пала-партиш ёзган мактубимни ўқиб кўриб, сизга ўхшаганлар кўп дерсиз. Ёзмай дедим, лекин сизга ёзиб салгина энгил тортдим.

Ўша аёл туфайли уйимизда жанжал бўлса, эрим: «Болаларинг билан кет», - дейди. Мен: «Бу ўзимнинг уйим, ҳеч қаёққа кетмайман», - дедим. Фарзандларим тинчинчи ўйлаб, энди у билан яшайман. Бировлар: «Ўша аёлни уйига бориб жанжал қил», - дейишди. Лекин менинг қўлимдан нима ҳам келарди. Ахир эримнинг ўзи қишлоқдагилардан тап тортмасдан бемалол кириб борса унинг уйига. Менинг талашимизга арзийдиган инсонми ҳи?

Мени йиғлатгани учун ўша аёлни ҳам, эримни ҳам Худо йиғлатсин, Яратгандан фақат шуни сўрайман.

САДОҚАТ

Хоразм вилояти

ВИЖДОН ҚИЙНАЛГАНДА...

- Газетангизнинг бугунги сонини (1-сон, 2001 йил) олдим, ўқидим ва сизларга кўнғироқ қилиб гаплашишга аҳд қилдим. Аслида анчадан буён гаплашмоқчи бўлиб юргандим. Мана кўнғироқ ҳам қилаялман, - дейди аёл. Унинг овози қийналиб чиқаётгани сезилиб турибди. Қандайдир бўғиқ, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборишга ҳам тайёр. - Нима масалада гаплашмоқчийдингиз? - Ўзимнинг энгил табиатлигим ҳақида, инфоцизлим ҳақида... Ҳаётда кўп хатоларга йўл қўйганим ҳақида... - Аввало, неча ёшдасиз? - 46 ёшдаман, - аёл йиғлаётгандек гўё... - Хатоингизни тан олаясиз. Виждонингиз қийналапти. Демак, унчалик ёмон одам эмасиз. Ёшингиз ҳам 50 га яқинлашибди. Энди, нима бўлган ўтган бўлса бўлиб ўтибди. Йиғлаганингиз билан ҳеч нарсаси ўзгармайди. Фақат юрагингиз азоб чекади, асабларингиз чарчайди, - дейман мен донишмандлик билан. Айни пайтда воқеанинг асл тафсило-

- Виждонингиз қийналапти. Демак, унчалик ёмон одам эмасиз. Ёшингиз ҳам 50 га яқинлашибди. Энди, нима бўлган ўтган бўлса бўлиб ўтибди. Йиғлаганингиз билан ҳеч нарсаси ўзгармайди. Фақат юрагингиз азоб чекади, асабларингиз чарчайди, - дейман мен донишмандлик билан. Айни пайтда воқеанинг асл тафсило-

Яхши қиз эди. Лекин шу қизга нисбатан адолатсизлик қилдим. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дедим, йўқ айбларини ўзим ахтариб топдим, тухматлар уюштирдим... - Шу гапларни кенгроқ шарҳлаб берсангиз бўладими? - Ўғлимга хотининг юрадиган

Кўнғироқларингиздан бири

аёл экан, дедим. Ўғлим менинг ҳаётимни кўриб ўсган бола эмасман, «хотинларнинг асли соғи йўқ экан», - деб ишонди. Келиним эса, яхши қиз эди... Ота-онаси, қариндошлари ҳам яхши одамлар экан... Беш ойгина ўғлим билан яшади. Хали фарзанди туғилмай туриб уйига жўнатиб юбордим. Маҳалласидан одамлар келишди-яраштириш учун. «Бу қиз кўз олдимизда ўсган, одобли, оиласи - ота-онаси ҳам ёмон одамлар эмас. Бундай қилманг», - дейишди. Мен уларга қулоқ солмадим. Мен-ку, калта ўйлабман. Алам келган жойи шундаки, опа-сингилларим, раҳматли онам ҳам менга бундоқ тўғри маслаҳат беришмади. Аксинча, келиним-

ни баттар ёмонлашди. Боёқиш келимини қоралашда мендан ҳам ўтиб тушишди. Хуллас, келин кетди. Ҳайит яқинлашганда маҳалласидан яна одамлар келишди - келинингизни яраштириш учун олиб келайликми, - деб... Йўқ, деб қайтариб юбордим. Бир куни кечаси: «Келинингизнинг кўзи ёриди, неваралик бўлдингиз», - деб кўнғироқ қилишди кудаларим. Бир кўрай, хабар олай», - деб бормадим ҳам, сўрамадан ҳам. Касал бўлиб шифохонада ётганимда келиним бир яшар бўлиб қолган неварамни кўтариб кўргани борди. «Ойижон, мендан хато ўтган бўлса кечиринг», - деб келиним йиғлади. Ушанда ҳам кўнғлим юмшамади, ўжарлигим тутиб қотиб туравердим... Мана, яқинда 3 ёшга тўлган неваранинг суратини олиб келиб беришди. Кўрдим-у, эзиллиб кетдим, хатоимни англадим. Энди кеч... - Нега?.. - Ўғлим иккинчи бор уйланди. Яқинда болали ҳам бўлади. Лекин... Бир жўрасига «барибир биринчи хотиним бошқача эди», - деб айтибди. Бу гапни эшитиб

виждоним қийналиб кетди. - Энди, нима бўлса-бўлиб ўтибди. Кўйинг, эслаб хафта ҳам бўлиб юрманг. Бу ёнига энди-ёшларнинг ҳаётига аралашманг, - дейман мен... - Мен - менга ўхшаган аёллар, қайноналар учун бошимдан кечган бу воқеа ибрат бўлишини истайман. Оналарга кўп нарсаси боғлиқ экан. Қадамимизни ўйлаб босишимиз, ҳар бир сўзимизни билиб гапиришимиз керак экан. Токи, бизнинг хатти-ҳаракатимиз ўзгаларни бахтсизлик ботқоғига ботирмасин... Ахир мен туфайли келиним бахтсиз, неварам эса ота меҳридан бенасиб бўлиб қолишди. - Сизга бир маслаҳат, - дейман мен. - Ҳалиям кеч эмас, совғасалом олиб неваранингиз бори кўриб келинг. Кўнғил деганлар шундайки, сал гапдан офтобдай ёришиб кетиши мумкин. Келинингиздан кечирим ҳам сўранг. Ҳаёт ҳар биримизни яхши-ёмонимизга яраша муқофотлайди. Келинингизни яхши даянсиз, хали у ҳам бахтини топиб кетар... Биз нотаниш аёл билан хайрлашдик. У яна кўнғироқ қилишга ваъда берди. Мен унга яхшиликлар йўлдоши бўлишини тилаб қолдим.

Дилбар САИДОВА

ҲАЗИЛКАШ ЖИНЛАРНИНГ АЖИБ ҚИЛИҚЛАРИ

Бу гаройиб ҳодисани ёзда бир танишим айтиб берганди.

- Хуллас, бу гапларга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг у сизни ишингиз укам,- деганди у. - Лекин мен айнан шу ҳодисани гувоҳигина эмас, балки иштирокчиси бўлиб қолгандим. Бунга анча йиллар бўлди. Собиқ шўро тузуми даврида мен муаллим эдим. Мени Пискент туманига пахта йигим-теримига юборишди. У ерга етиб бордим ва дала ўртасидаги шийпонга жойлашдим. Хали ўқувчиларим етиб келишмаганди. Улар учун шарт-шароит яратиб туришим лозим эди. Раис ўринбосари менга бу шийпонда баъзан рўй берадиган ажойиб, сирли ҳодисалар ҳақида сўзлаб берди. "Кандайдир шарпалар юрармиш, баъзан кимларнингидир кўзига кўринармиш... Кискаси бу ерда ётманг. Юринг сизни уйимга олиб кетай",- деди. Мен албатта эътироз билдирдим. "Кўйсангизчи, биродар, бу унда й чўпчакни бо-

сўзларни айтгач, бирданига улар тундек тарқалиб кетишди. Мени кўлим ва обгим ишлаб бошлади. Чирокни ёқдим. Атроф жим-жит эди. Бутун баданимдан тер ёғиларди. Аҳолим абгор ҳолатда эди. Эрталаб раис ўринбосари келгач, унга бу синоатни айтиб бердим. У яйраб қўлди: "Айтдим-ку, мехмон бу ер шунақа жой деб",- деди. Хуллас, эртаси куни яна шу ерда қолдим. Менда жинларни яна бир бор кўриш истаги тўғилди. Кеч бўлди. Чирокни ўчириб ётдим. Бир пайт яна ўша жинлар пайдо бўлди. Мен негадир бу сафар улардан кўрма-



Ажойиб-гаройиб

бериб турар экан",- деб айтгандим. У қўлди. Мени масхара қилди.

Ким айтади сизни ўқиган, олий маълумотли деб, ҳар хил чўпчакка ишониб қўрибсизми!,- деди. Кисқакси, мен энди жинлар келишмаска керак, чунки биз икки кишимиз-ку!" деб ўйлаб ётиб ухлаб қолибман. Бир пайт мени кимдир туртгандек бўлди. Уйғониб таниш жинни кўрдим. У менга бурчакдаги ўз шерикларини кўрсатиб, нимадир дегандек бўлди. Тушунмадим. У имо-ишора қилиб: "Жойингни ўзгартир",- деб тушунтирди ва жойимни каерга олиб ўтишимни ҳам кўрсатди. Мен сўзсиз уни айтганини қилдим. Хонамиз жуда катта эди. Бир бурчакка бориб ётиб олдим. Чирок ўчганлиги сабабли мен мишабни гира-шира кўра олардим, холос. Бир пайт жинлар ўзаро келишиб олишгач, гир айланмиш мишабни қуршаб олишди. Мен уларни яққол кўриб турардим. Бирданига бир жин мишабни у ён-бўна ағдариб кўрди, у гингшиди. Кутилмаганда жинлардан бири мишабга шапалоқ туширди. У хўнграб йўғлаб юборди. Шунда биттаси уни қитқилди. Мишаб энди кула бошлади. Яна биттаси урди. Мишаб "дод" деб юборди. Мен бир чеккада биқиниб, лолу ҳайрон бўлиб ҳайратдан қотиб бу ажиб томошани кўриб ўтирар эдим. Тонг отгач, ўрнимдан турдим. Ташқарига чиқдим. Уйиниб келиб мишабни аҳоли билан қизиқмоқ бўлдим. Кирсам мишаб йўқ. Афтидан «Кочмаган номард»,- деб жуфтани ростлаб қолибди. Ҳайрон бўлдим. Шу пайт раис ўринбосари ва бригада бошлиғи келиб қолишди. Мен уларга кечаси рўй берган воқеани сўзлаб бергандим, улар қотиб-қотиб қулишди.

Эркинжон ХАЁНБОВ ўғли

Охири. Боши ўтган сонларда

Уйда эдим. Югуриб чиқдим. Саломимга алик олмадилар. "Уйингда гугурт билан керосининг борми?" деб сўрадилар. "Нима қиласиз?" - деб сўрадим. "Сен ҳаётингни ўзгартирмайдиганга ўхшайсан. Энди уйингда ўт қўймамас бўлмас экан",- дедилар. Ўша келганларида мени уришиб-уришиб кетдилар. Мен эса барибир ҳеч нарсани ўзгартирмадим..."

"Ушанда бекор қилган эканман. Аттган... Дарровгина гугурт билан керосинни аям қўларинга тутқазшим керак эди",- деган гап ҳеч ҳаёлингдан ўтадими? - сўрадим мен. "Мен бу ҳақда кўп ўйлайман. Ҳамма нарса вақт ўтаверган сайин илгаригидан кўра бош-

лой қориб ўзим ясаганман, иморатнинг қаддини ўзим ростлаганман, уй ичидаги бундоқ караганда кераксиздек туюлувчи ҳар бир майда-чуйда нарсани ўзим ташиб келтирганман. Ҳовлимдаги дараклар, узум тоқларини ҳавас ва умид билан экиб чиққанман. Буларнинг ҳаммасини қандай қилиб ёндириб ташлашим мумкин. Ундан кейин қандай яшаш мумкин?... Ҳовли-жойим-га сиз баҳорда бир меҳ-



БИР АЁЛ САРГУЗАШТИ

Чоршанбадан чоршанбагача давомли қисса

қача маъно-мазмунга эга бўлиб боровараркан. Аям менинг аҳолигимга менинг ўзимдан кўра қаттиқроқ қайгурган, куйган эканлар-да... Куйганларидан шу гапни айтганлар. Ушанда гугурт ва керосинни олиб келиб берганимда, уйимга ўт ҳам қўйиб юборармишдилар, билмадим. Шундай ҳодиса юз берса, балки яхши ҳам бўлармиди. Ахир шунга ҳам беш йилча бўлиб қолди..."

"Халиям аям айтган ишни қилиш керакмикан",- дейман мен ўсмоқчилаб... "Йўқ, менинг ўзим бу ишни бажоролмайман, опа. Чунки, чунки, бу уйнинг ҳар бир гиштини

мон бўлиб боринг, опа. Жаннатга айланади-қолади. Агар борсангиз сиз ҳам ўша ерларда қолиб кетасиз..." Мен ўжар ва қайсар укамга ҳеч қандай маслаҳат ё йўл-йўриқ бермасликка аҳд қилганим учун ҳеч нарса демайман. Ҳар бир одамнинг тақдир азал-абад пешонасига ёзуғлик бўлади, дейишади. Балки шундайдир. Балки ҳар бир одам пешонасидagi ёзувни ўзи ёзар. Бу борада ҳам мен қатъий фикрга эга эмасман. Не бўлганда ҳам укамнинг ҳаёти шундай кечмоқда. Узгардими-йўқми, бу борада ҳам ҳеч гап айтолмайман. Буни унинг ўзи ҳал қилар...

УМР ЎТСИН ХУРСАНДЧИК БИЛАН...



Ешлигимизда касб танларканмиз кимгадир ўхшашига интилганимиз рост. Сирғали туманидаги молия иқтисодиёт коллежининг ўқитувчиси Рихсия опа Ҳасанова эса онасига ҳавас қиларди. Кейинчалик шу касбидан обрў-эътибор топиб хур-матга сазовор бўлди. Воллидиси Тоирахон Гофуровадан бу касбни ўзига мерос қилиб олганидан фахрланди.

- Онам нафақат оиламизда, балки мактабда ҳам болаларни жуда севарди, - дейди Рихсия опа. - 1972 йилда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини битириб келиш шу коллежда ишлаб келяпман. Шунга ҳам 29 йил бўлди. Касбимдан мамнунман.

Ҳа, опа қўлида таълим олиб турли томонларга учирма бўлган собиқ ўқувчиларининг кўпи халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилишарди. Лекин ўз устоз-

лари Рихсия опани доимо йўқлаб туришарди. Йиллар давомида опанинг гўлдек қизлари ҳам воғая етишди. Бугунги кунда Умидахон, Нарғизахон ўзлари танлаган касблариди ишламоқда, кенжатой Зийёдахон эса хали талаба. Рихсия опа ўз ўқувчилари билан ҳар куни дарслар, машгулотлар олиб боришдан толмайди. Уларнинг билмаганини ўргатиб, ютуғидан қувонди. Умри оқар дараг дейишгани рост экан. Буни қаранглик бўлган Рихсия опа Ҳасанова 50 ёшга тўлибди.

Хали ҳам ёшларга билим беришнинг турли янги усуллари устиди оиланаётган устоз Рихсия опага соғлиқ, оиласига эса хотиржамлик тилаймиз. Сўзимизни эса раҳматли оналари у кишига қарата ёзган ушбу мисралар билан мухтасар қилдик.

Бўлган қизларингга доим бошу-қош, Қалбингга сўнмасин меҳрли куш. Қўша-қари болам, қўшганинг билан-Умринг ўтсин бахту хурсандчилик билан.

Яхшилардан сўз очдик

Басира САЙИД АЛИ

ЁРУФ ОЛАМГА БОШЛОВЧИ



Бир йилгит юмуш билан сафарга отланибди. Йўл узоқ ва хатарли экан. Шунда ота дала томондаги йўлни кўрсатиб: "Ўғлим, бу йўл узоқ бўлса-да, манзилнингга озор чекмай етасан. Шу йўлдан юр",- деди.

Она бўлса: "Болам, яхши-си дарё орқали қайқда кет. Тез етмасанг-да, умуман қийналмайсан",- деди. Фарзанд устозига қарабди. - Устози тоғ томонини кўрсатиб, деди: "Эй, ўғлон, мен сенга билим бердим. Қийинчиликларга чидашини ўргатдим. Сен тоғ орқали бор. Йўл оғир, лекин тез бориб, тез келасан". Ота-она фарзандларини аяб, қийналмасин, деб узоқ бўлса ҳам осон йўлни кўрсатишган экан. Устоз эса шогирдининг тоғдан ўтишда озор чекишини англасса-да, узоқ йўлда умри бе-фойда ўтишини истамаган, тоғ йўлида машаққат чекса-да, манзилга тезроқ етиб бори вақтдан ютишини кўзлаган экан.

Ҳа, устоз сиз билан бизга ҳаётда энг азиз, энг қадрли нарса нима эканлигини англашимизда ёрдам беради. Қўлимиздан тугтиб, ўзга бир дунёга, янги ёруғ оламга бошлайди. Бу олам маънавият олами, аниқроғи, илмлар оламидир. Умримиз мазмуни, йўли-

миз равнақи эса шу оламдан оладиган бойлигимизга боғлиқдир.

Жаҳон тиллари университетининг роман филологияси факультети қошидаги француз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси мудири Алмурот Умаров ана шундай етук устозлардан.

Алмурот ака ёшларга аввал тилга меҳр, қизиқиш уйғотади. Сўнг тилини ўзини ўргатади. Қуруқ ёдлаш ёки шунчаки сўзлашишга эмас, шу тилда фикрлашга ундайди. Чунки одам бир тилда ўйлаб, бошқа тилда гапирса, гализ чиқади.

- Бугунги кунда ёшларимизда чет тилларига қизиқиш, ҳавас кучли, - дейди Алмурот ака. - Қолаверса, бу ҳаётий заруратга ҳам айланмоқда. Айниса, хорижий юртларга ўқш учун, ишлаш учун кенг йўл очилгани катта ютуғимиздир.

Устоз оилада ҳам болаларига ибрат. Турмуш ўртоғи билан биргаликда тўрт қиз, икки ўғилни юртимиз учун нафи тегадиган, билимдон ва етук инсонлар қилиб тарбиялашмоқда.

Устоз олтиш ёшга тўлибди. Биз у кишини яна узоқ йиллар ҳормай-толмай ёшларга француз тилидан сабоқ беришларини тилаймиз.

М. СОДИҚОВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
Котибият, хатлар: 34-25-46
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700005
Амир Темури кўчаси,
1-тор қўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 20.00

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ { ақса обуначилар учун 176
Рўйхатга олиш № 33 ташкилотлар учун 177
Буюртма Г - 2026
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда.
Рассом - Н. ХОЛМУРОДОВ.
Нашр учун масъул муҳаррир - Басира САЙИДАЛИЕВА.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.